

**“Маҳалла” хайрия жамоат фонди Қорақалпоғистон Республикаси бўлими
ва бўлинмалари қошидаги «Саховат ва кўмак» жамғармаси
томонидан кўрсатилаётган ёрдамлар тўғрисида
МАЪЛУМОТ**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 22 апрелдаги 213-Ф-сон фармоийишига асосан Ўзбекистон “Маҳалла” хайрия жамоат фонди Қорақалпоғистон Республикаси бўлими, туман ва шаҳар бўлинмалари ҳузурида “Саховат ва кўмак” жамғармаси ташкил этилди ва унинг хизмат кўрсатувчи банкларида миллий ва чет эл валютасида алоҳида ҳисоб рақамлари очилди.

Вазирлар Маҳкамасининг мазкур фармоийиши билан тасдиқланган “Саховат ва кўмак” жамғармаси тўғрисида”ги Низомнинг 7-бандига мувофиқ жамғарма маблағларини тасарруф этиш Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари туман ва шаҳар кенгашлари томонидан амалга оширилиши белгиланган.

2021 йил якунига кўра “Саховат ва кўмак” жамғармаси ҳисоб рақамларида **4 млрд 592 млн 460 минг сўм қолдиқ** маблағлар қолган. 2022 йилнинг биринчи чораги давомида жамғарма ҳисоб рақамларига **1 млрд 760 млн 69 минг сўм** маблағлар келиб тушган.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари туман ва шаҳар кенгашлари қарорлари асосида жорий йилнинг биринчи чораги давомида Қорақалпоғистон Республикаси бўйича “Саховат ва кўмак” жамғармаси ҳисобидан **4702 та ижтимоий ҳимояга** муҳтож оиласаларни қўллаб-куватлаш, уларга моддий ва маънавий ёрдамлар кўрсатиш мақсадида **2 млрд 498 млн 551 минг сўм** маблағлар сарфланган.

Жумладан,

Халқ депутатлари кенгашлари қарори билан тасдиқланган рўйхатларга асосан **4530 та** эҳтиёжманд оиласаларга **2 млрд 14 млн 33 минг сўм** миқдорида ёрдамлар кўрсатилган.

Халқ депутатлари кенгашлари қарорига биноан “Темир дафтар”га киритилган **13 та** оиласаларни моддий қўллаб-куватлаш учун **18 млн 710 минг сўм** миқдорида ёрдамлар кўрсатилган.

Халқ депутатлари кенгашлари қарорлари асосида “Аёллар дафтари”даги **159 та** оиласага **465 млн 807 минг сўм** миқдорида ёрдамлар кўрсатилган.